



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 10 » yanvar № 18

Toshkent sh.

Саноатни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида” 2023 йил 18 декабрдаги ПҚ–397-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 21 июлдаги ПФ–111-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида” 2023 йил 18 декабрдаги ПҚ–397-сон қарорида Жамғарманинг асосий вазифалари ва уни молиялаштириш манбалари ҳамда маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) Жамғарма юридик шахс мақомига эга бўлмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг алоҳида очилган ҳисобварақларида жамланади;

б) металлургия, машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, кимё, фармацевтика, тўқимачилик (ип йигирув ва пахтани қайта ишлашдан ташқари), ипакчилик, чарм-пойабзал (терини қайта ишлашдан ташқари), заргарлик, озиқ-овқат соҳасидаги биотехнологиялар ва тиббий овқатланиш, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари ва бошқа саноат соҳалари Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади;

в) Жамғарманинг маблағлари Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан тақсимланади. Бунда Ҳукумат комиссияси:

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади ва ҳар чоракда лойиҳаларни муҳокама қилиб боради;

Жамғарма маблағларини шакллантириш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

3. Қуйидагилар:

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва ушбу маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари, Жамғарма фаолиятини бошқариш тартиби, Жамғарма томонидан тижорат банклари орқали кредит ажратиш тартиби ҳамда шартлари, шунингдек, корхоналарнинг устав капиталига инвестиция киритиш орқали Жамғарма маблағларини жалб қилишда лойиҳаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартибини назарда тутувчи **Саноатни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

Саноатни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилиши молиялаштириладиган юқори технологияли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 10 январдаги 18 - сон қарорига
1-илова

Саноатни ривожлантириш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда – Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси) ҳузуридаги Саноатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс мақомига эга бўлмайди ва унинг маблағлари Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг алоҳида очилган ҳисобварақларида жамланади.

3. Жамғарма маблағларини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

махсус мақсадли корхона – асосий мақсадлари муайян лойиҳани амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш бўлган махсус мақсадли корхона;

саноат ипотекаси – кичик ва ўрта бизнес томонидан саноат ишлаб чиқариш мақсадида кўчмас мулк сотиб олиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган кредит;

Тармоқ илмий-техник кенгаши – тармоқ вазирликлари ва идоралари ҳузурида ташкил этиладиган лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва имкониятларини ўрганувчи коллегиял орган;

ташаббускор – лойиҳа доирасида Жамғарма ресурсларидан фойдаланиш истагидаги саноат тармоқларида фаолият кўрсатадиган юридик шахс шаклидаги ташкилот;

юқори технологияли маҳсулотлар – янги турдаги юқори технологиялар ва инновацияларга асосланган, юқори қийматли ва сифатли, рақобатбардош, чуқур қайта ишлашга йўналтирилган ва талаб юқори бўлган муҳим аҳамиятга эга маҳсулотлар.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади.

6. Металлургия, машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, кимё, фармацевтика, тўқимачилик (ип йигирув ва пахтани қайта ишлашдан ташқари), ипакчилик, чарм-пойабзал (терини қайта ишлашдан ташқари), заргарлик, озиқ-овқат соҳасидаги биотехнологиялар ва тиббий овқатланиш, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари ва бошқа саноат соҳалари Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Жамғарма томонидан юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда маблағлар ажратилади.

Жамғарма томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган асосий йўналишларда юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган лойиҳа ташаббускорлари билан бир қаторда, бир лойиҳа доирасида 1000 дан ортиқ янги иш ўринларини яратган тадбиркорлик субъектларига ҳам маблағлар устувор тарзда ажратилади.

7. Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 4,0 млн АҚШ долларида юқори бўлган саноат лойиҳаларига:

а) янги турдаги юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд қувватларни кенгайтириш ва чуқур қайта ишлашга қаратилган саноат лойиҳаларига ҳамда импорт қилинадиган асбоб-ускуна харид қилиш учун аванс тўловларини қоплаб бериш мақсадида хорижий ва миллий валютада, шунингдек, хомашё материалларини харид қилиш учун айланма маблағларни шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга бино-иншоотлар харид қилиш учун саноат ипотекаси тизими асосида миллий валютада кредит ажратилади;

б) талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг бир қисми компенсация қилинади;

в) саноат корхоналари хорижий бренд ва инвестор билан келишувга эришган бўлса уларнинг устав капиталида иштирок этиш орқали инвестиция киритилади;

г) саноат корхоналари томонидан белгиланган тартибда 5 йилдан юқори бўлмаган муддатларда эмиссия қилинган облигацияларни (бир лойиҳа доирасида 10 млн АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача) қуйидаги шартларда:

капитал рентабеллиги (ROE) 15 фоиздан кам бўлмаган;

облигацияларнинг тўланадиган даромад миқдори миллий валютада қарз олувчининг хатарларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютадаги суверен облигациялари ставкасидан паст бўлмаган миқдорида Жамғарма томонидан сотиб олинади.

8. Мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ва ташаббускорга тақдим этилган молиявий воситаларнинг бир тури амал қилиш муддати давомида мазкур молиявий воситаларнинг бошқа турига Жамғарма маблағлари ажратилмайди.

9. Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилмайди:

- спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- матбаа ва оммавий ахборот воситаларидан нусха кўчириш фаолияти;
- ядро ёқилғиси ишлаб чиқариш;
- бино ва иншоотларни қуриш ҳамда капитал таъмирлаш;
- қурилиш техникасини ва юк транспорт воситаларини сотиб олиш;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- жалб қилинган кредит ҳамда унинг фоизларини тўлаш (мазкур Низом доирасида ажратиладиган компенсация маблағлари бундан мустасно);
- саноат билан боғлиқ воситачилик лойиҳалари, шунингдек, акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш;
- нобанк кредит ташкилотлари, лизинг ва суғурта компаниялари ресурс базасини шакллантириш;
- саноат ипотекаси мақсадларидан ташқари кўчмас мулк сотиб олиш;
- эски ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш;
- ўзининг асосий воситалари бўлмаган ва ижара асосида фаолият юритаётган корхоналар (айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар);
- “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ ҳисобидан компенсация (молиявий ёрдам) олувчи тадбиркорлик субъектлари;
- кредитлар (лизинглар), солиқлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари.

10. Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш қуйидаги ваколатли органлар томонидан амалга оширилади:

Тармоқ илмий-техник кенгаши лойиҳа амалга оширилишининг принципиал имконияти ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан, лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш бўйича қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли стратегиясига (дастурга), давлат инвестиция сиёсатининг стратегик мақсадларига, шу жумладан, ишлаб чиқаришга таклиф этилаётган юқори технологияли маҳсулотлар турининг янгилиги, уларга талаб мавжудлиги, талаб қилинадиган лойиҳа қуввати, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатураси, лойиҳалаштирилган объект таркиби нуқтаи назаридан мувофиқлиги, хомашё базаси, транспорт-коммуникация, маркетинг ва ижтимоий инфратузилмаларнинг мавжудлиги;

“Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК – лойиҳани амалга оширишнинг ижтимоий аҳамияти, лойиҳа томонидан таклиф этилаётган маҳсулотларга мавжуд ва режалаштирилган талаб, техник ва технологик ечимларнинг асосланганлиги ва ускуналар нархи якуний параметрлари, лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги ва ўзини ўзи қоплаш, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси талаблари, техник

жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қурилиш харажатлари ҳамда жорий бозор конъюнктураси нуқтаи назаридан мувофиқлиги;

тижорат банки – лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги, пул оқимлари таҳлили, лойиҳа ташаббускорининг молиявий ҳолати, таваккалчилиги ва ҳаётийлигини баҳолаш, таклиф этилаётган молиялаштириш схемаси ва фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун кредит ёки компенсация бериш имконияти нуқтаи назаридан мувофиқлиги.

3-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш

11. Жамғарма маблағлари Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) томонидан тақсимланади.

12. Ҳар бир лойиҳа Ҳукумат комиссияси томонидан ижобий қарор қабул қилгандан сўнг Жамғарма маблағларидан молиялаштирилади.

13. Ҳукумат комиссияси:

Жамғарманинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади ҳамда ҳар чорақда лойиҳаларни муҳокама қилиб боради;

Жамғарма маблағларини шакллантириш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

4-боб. Жамғарма томонидан тижорат банклари орқали кредит ажратиш тартиби

14. Жамғарма томонидан лойиҳа ташаббускорларига янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш, шу жумладан, саноат ипотекаси тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ташаббускорларга айланма маблағларни шакллантириш мақсадида тижорат банклари орқали кредит ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

15. Тижорат банкларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан бир лойиҳанинг умумий қиймати 4 млн АҚШ долларидан юқори бўлган саноат лойиҳаларига кредитлар лойиҳа қийматининг 25 фоиз миқдоридан ошмаган ҳолда, қуйидаги йўналиш ва шартлар асосида ажратилади:

янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилган саноат лойиҳалари учун импорт қилинадиган асбоб-ускуна харид қилиш, шу жумладан, аванс тўловларини қоплаб бериш мақсадида хорижий валютада йиллик 5 фоиз ва миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкада 10 йил муддатгача, шундан 3 йилгача имтиёзли давр билан кредитлар;

ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида бино ва иншоотлар харид қилиш учун 7 йил муддатгача, шундан 2 йилгача имтиёзли давр билан миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкада саноат ипотекаси тизими асосида;

саноат корхоналарига хомашё материалларини харид қилиш учун айланма маблағларни шакллантириш мақсадида 1 йил муддатгача хорижий валютада йиллик 4 фоиз ҳамда миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкада кредит ёки субординар қарз ажратилади.

Бунда:

бир лойиҳа доирасида кредит 1 млн АҚШ долларида 10 млн АҚШ доллари эквивалентигача миқдорда ажратилади;

лойиҳа ташаббускорининг лойиҳадаги улуши лойиҳа қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, шу жумладан, капитал қўйилмалари қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағлар билан иштироки талаб этилади (айланма маблағларини шакллантириш мақсадида ажратилadиган кредитлар бундан мустасно).

16. Жамғарма фақат устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган тижорат банклари орқали кредитлар ажратади.

17. Ташаббускор кредит олиш учун зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда, ушбу низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ тижорат банкига ариза беради.

18. Тижорат банки ўттиз иш куни ичида ташаббускорнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, лойиҳани молиялаштириш юзасидан қарор қабул қилади.

19. Тижорат банки кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг беш иш куни ичида кредит ажратиш масаласини Ҳукумат комиссияси томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига (кейинги ўринларда – Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги) буюртманома киритади.

20. Буюртманома Ҳукумат комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, кредит ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

21. Ҳукумат комиссияси кредит ажратиш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинганда, тижорат банки рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда уч иш куни ичида ташаббускорга ёзма жавоб юборади.

22. Ҳукумат комиссияси томонидан кредит ажратилиши юзасидан ижобий қарор қабул қилинганда, тижорат банки ушбу қарорни олгандан сўнг беш иш куни ичида Жамғарма билан кредит ажратилиши бўйича ресурс маблағларини қайтариш графигини илова қилган ҳолда, шартнома тузади.

23. Жамғарма билан тузилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, тижорат банки беш иш куни ичида ташаббускор билан кредит ва гаров шартномалари имзолангандан сўнг Жамғармага ресурс ажратиш юзасидан талабнома беради.

24. Жамғарма тижорат банкининг ресурс ажратиш юзасидан талабномаси келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида тижорат банкига тегишли маблағларни ажратади.

25. Тижорат банки кредитлар шартнома шартларига мувофиқ лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ҳамда бизнес-режа параметрларига мувофиқлиги, шунингдек, уларнинг ўз вақтида қайтарилиши юзасидан Ҳукумат комиссияга йиллик ҳисобот тақдим этиб боради.

5-боб. Талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш тартиби

26. Компенсация қилиш заруратини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда маркетинг тадқиқотлари, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш (кейинги ўринларда – лойиҳа доирасидаги хизматлар) билан боғлиқ бўлган харажатларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш учун ариза ташаббускорлар томонидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига киритилади.

27. Ташаббускорлар Жамғармадан компенсация олиш учун қуйидаги ҳужжатларни қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этади:

лойиҳа доирасидаги хизматларни, шу жумладан, лойиҳаолди (ТИА/бизнес-режа) ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг тижорат таклифлари;

лойиҳа доирасидаги ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тажрибаси юзасидан маълумотнома;

танлов ҳужжатлари (танланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар);

шартнома, ишлар бажарилганлиги ҳақидаги далолатнома ва тўлов топшириқномалари;

Жамғармадан компенсация ажратиш зарурлигини асослантирадиган бошқа ҳужжатлар.

28. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ариза ва тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқиб, компенсация ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса тайёрлайди ҳамда Ҳукумат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади.

29. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг хулосаси асосида Ҳукумат комиссияси Жамғарма маблағлари ҳисобидан компенсация қилишни тасдиқлайди ёки рад этади.

30. Ҳукумат комиссияси томонидан компенсация ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда ташаббускорга ёзма жавоб юборади.

31. Ҳукумат комиссиясининг ижобий хулосаси ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг компенсация ажратиш тўғрисида буюртманомаси (тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда) асосида компенсация миқдори Жамғарма томонидан ушбу Низомга мувофиқ асбоб-ускуна хариди ва саноат ипотекаси учун ажратиладиган кредит фоизи тўловларидан чегирилади.

**6-боб. Махсус мақсадли корхоналарининг устав капиталига
инвестиция киритиш орқали Жамғарма маблағларини жалб қилишда
лойиҳаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби**

32. Ташаббускор лойиҳани амалга оширишда лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда махсус мақсадли корхонанинг устав капиталига улушга кириш орқали Жамғарма маблағларини жалб қилиш мақсадида лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқади ва биринчи босқичда Тармоқ илмий-техник кенгаши, иккинчи босқичда “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга кўриб чиқиш учун киритади.

33. Тармоқ илмий-техник кенгаши ҳамда “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича хулосаларни ташаббускорга беради.

34. Тармоқ илмий-техник кенгаши ҳамда “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, ташаббускор Жамғарма маблағлари ҳисобидан устав капиталига кириш имкониятини кўриб чиқиш мақсадида Жамғармага хорижий бренд лицензиялари ва инвестор билан келишув шартнома нусхалари ва бошқа ҳужжатлар тўпламини, шунингдек, ташаббускор Жамғарма томонидан устав капиталига киритилган маблағлар 7 йилдан кўп бўлмаган муддатда қайтариш кафолати билан устав капиталидан чиқиш шартларини ишлаб чиқилган режа-жадвалини тақдим қилади.

35. Жамғарма маблағлари ҳисобидан устав капиталига кириш орқали молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичи 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда бўлиши талаб этилади ва қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

$$\text{ИЧР} = \frac{\text{СФ}}{\text{СМИЧТ}} * 100\%,$$

бунда:

ИЧР – ишлаб чиқариш (маҳсулотлар сотиш) бўйича рентабеллик;

СФ – соф фойда;

СМИЧТ – сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари.

36. Ташаббускор билан Жамғарманинг устав капиталига кириш ва чиқиш шартлари келишилгандан сўнг Жамғарма томонидан Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигига Жамғарма маблағлари ҳисобидан инвестиция киритиш шартларини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси кўриб чиқиши учун ҳужжатлар тўплами тақдим этилади.

37. Ҳукумат комиссиясининг ижобий қарори мавжуд бўлганда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг шуъба корхонаси ва лойиҳа ташаббускори таъсисчилигида тузиладиган махсус мақсадли корхонасининг устав капиталига киради.

38. Ташаббускор ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси махсус мақсадли корхонанинг бутун фаолияти давомида молиявий-хўжалик фаолиятини мувофиқлаштиради ва муддат тугагандан сўнг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси белгиланган тартибда махсус мақсадли корхонасининг устав капиталидан чиқади.


7-боб. Якунловчи қоида

39. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Саноатни ривожлантириш жамғармаси
тўғрисидаги низомга
1-илова

Саноатни ривожлантириш жамғармаси томонидан лойиҳа ташаббускорларга
янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни
кенгайтириш, шу жумладан, “саноат ипотекаси” тизими асосида ишлаб
чиқаришни ташкил этиш ҳамда ташаббускорларга айланма маблағларни
шакллантириш мақсадида тижорат банклари орқали кредит ажратиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддати
1-босқич	Ташаббускор	Тармоқ илмий-техник кенгашининг ва “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг хулосалари асосида ва техник-иқтисодий асослаш/бизнес-режа лойиҳаси ва бошқа зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда, тижорат банкига кредит олиш учун ариза тақдим этади.	Заруратга кўра
2-босқич	Тижорат банки	Банк талабларидан келиб чиқиб, тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва лойиҳани молиялаштириш юзасидан қарор қабул қилади.	30 иш куни ичида
3-босқич	Тижорат банки	Банк кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг кредит ажратиш масаласини Ҳукумат комиссияси томонидан кўриб чиқиш учун Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигига буюртманома киритади. Агар банк кредит ажратиш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилганда, рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда, ташаббускорга ёзма жавоб юборади.	5 иш куни ичида 3 иш куни ичида
4-босқич	Ҳукумат комиссия	Буюртманомани кўриб чиқади ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредит ажратиш ёки уни ажратишни рад этиш тўғрисида Ҳукумат комиссиясининг қарорини қабул қилади.	Ҳар ойда
5-босқич	Тижорат банки	Ҳукумат комиссиясининг кредит ажратилиши юзасидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, Банк ва Жамғарма ўртасида кредит шартномаси тузилади.	5 иш куни ичида
6-босқич	Жамғарма	Банкнинг талабномаси олингандан сўнг маблағлар ажратади.	5 иш куни ичида



Саноатни ривожлантириш жамғармаси
тўғрисидаги низомга
2-илова

Саноатни ривожлантириш
жамғармасига

(кредит олувчи ташкилот номи)

Саноатни ривожлантириш жамғармасидан кредит олиш бўйича
АРИЗА

1. Кредит олувчи (номи ва унинг реквизитлари, юридик манзили, ҳисобварағи, МФО ва бошқалар)
2. Тижорат банки (номи, ва унинг реквизитлари юридик манзили, ҳисобварағи, МФО ва бошқалар)
3. Саноат тармоғи
4. Лойиҳанинг:

номи ва жойлашган манзили (туман, шаҳар, МФЙ (ҚФЙ))

қиймати (шу жумладан, молиялаштириши манбалари)

ишлаб чиқариш ҳажми (маҳсулотлар тури, даромад)

жумладан: экспортга сотиш ёки ўсиш

импорт ўрнини босиш

яратиладиган иш ўрни (сони)

бошқалар
5. Кредит мақсади
6. Валюта тури (кредитни олиш, сўндириши ва хизмат кўрсатиши валютаси)
7. Кредит миқдори (Жамғармадан сўралаётган)
8. Кредит олиш шартлари:

кредит муддати

кредитни қайтариш муддатлари

фоиз ставкаси
9. Бюджет олдидаги муддати ўтган қарздорлик суммаси (ариза берилган санага)
10. Бошқа банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлик суммаси (ариза берилган санага)

Изоҳ. Тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинади, шу жумладан, Тармоқ илмий-техник кенгаши ҳамда “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг хулосалари

Ташкилот раҳбари

(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 10 январдаги 18 -сон қарорига
2-илова

Саноатни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилиши молиялаштириладиган
юқори технологияли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар
РЎЙХАТИ

Т/р	ТИФ ТН КОД	Позиция номи
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш		
1	1520	Хом глицерин, глицеринли сув
2	2707	Кўмир смоласини юқори ҳароратли дистиллашнинг мойлари ва бошқа маҳсулотлари, хушбўй таркибий қисмларнинг массаси хушбўй бўлмаганларнинг массасидан кўп бўлган шунга ўхшаш маҳсулотлар
3	2801	Фтор, хлор, бром ва ёд
4	2803	Бошқа металл бўлмаганлар, углерод
5	2804	Водород, нодир газлар ва бошқа металл бўлмаганлар
6	2807	Сульфат кислота, олеум, дифосфор пентоксиди, бошқа ноорганик кислоталар
7	2809	Дифосфор пентоксиди, фосфор кислотаси, полифосфорик кислоталар, кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган
8	2814	Аммиак, сувсиз ёки сувли эритмада
9	2815	Натрий гидроксиди (каустик сода), калий гидроксиди (каустик калий), натрий ёки калий пероксидлари
10	2818	Кимёвий аниқланган ёки аниқланмаган сунъий корунд, алюминий оксиди, алюминий гидроксиди
11	2822	Бошқа металлларнинг оксидлари, гидроксидлари ва пероксидлари
12	2825	Гидразин ва гидроксиламин ва уларнинг ноорганик тузлари, бошқа ноорганик асослар, металлларнинг бошқа оксидлари, гидроксидлари ва пероксидлари
13	2826	Фторидлар, фторсиликатлар, фторалюминатлар ва фторнинг бошқа мураккаб тузлари
14	2827	Хлоридлар, хлорид оксидлари ва хлорид гидроксидлари, бромидлар ва бромид оксидлари, ёдидлар ва ёдид оксидлари
15	2834	Нитритлар, нитратлар
16	2835	Фосфинатлар (гипофосфитлар), фосфонатлар (фосфитлар) ва фосфатлар, полифосфатлар, кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган
17	2836	Карбонатлар, пероксокарбонатлар (перкарбонатлар), аммоний карбамат ўз ичига олган аммоний карбонат
18	2837	Сианидлар, сиянид оксидлари, мураккаб сиянидлар
19	2842	Ноорганик кислоталарнинг ёки пероксид кислоталарнинг бошқа тузлари (жумладан, алуминосиликатлар, кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган), азидлардан ташқари
20	2843	Коллоид ҳолатдаги қимматбаҳо металллар, кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган қимматбаҳо металлларнинг ноорганик ёки органик бирикмалари, қимматбаҳо металл амалгамлари
21	2844	Радиоактив кимёвий элементлар ва радиоактив изотоплар (шу жумладан, парчаланувчи ёки унумдор кимёвий элементлар ва изотоплар) ва уларнинг бирикмалари, ушбу маҳсулотларни ўз ичига олган аралашмалар ва қолдиқлар
22	2901	Асиклик углеводородлар

23	2902	Сиклик углеводородлар
24	2903	Углеводородларнинг галогенли ҳосилалари
25	2904	Углеводородларнинг сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари, галогенланган ёки галогенланмаган
26	2905	Асиклик спиртлар ва уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
27	2907	Феноллар, фенол спиртлари
28	2909	Эфирлар, эфир спиртлари, эфир феноллари, эфир спирти феноллари, спиртларнинг пероксидлари, эфирлар ва кетонлар (кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган) ва уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
29	2910	Тузилишида уч аъзоли ҳалқага эга эпоксидлар, эпоксиалспиртлар, эпоксифеноллар ва эпоксиэфирлар ва уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
30	2914	Кетонлар ва хинонлар, таркибида кислород бўлган бошқа функционал гуруҳ бўлган ёки бўлмаган ва уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
31	2915	Тўйинган асиклик монокарбоксиллик кислоталар ва уларнинг ангидридлари, галоген кислоталар, пероксидлар ва пероксидлар, уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
32	2916	Тўйинмаган асиклик монокарбоксиллик кислоталар, сиклик монокарбоксиллик кислоталар, уларнинг ангидридлари, кислота галогенидлари, пероксидлар, уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
33	2917	Поликарбон кислоталар, уларнинг ангидридлари, галогенидлари, пероксидлари, уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
34	2918	Қўшимча кислород ўз ичига олган функционал гуруҳ таркибидаги карбоксиллик кислоталар ва уларнинг ангидридлари, галоген кислоталар, пероксидлар, уларнинг галогенланган, сулфонатланган, нитратланган ёки нитрозланган ҳосилалари
35	2921	Омин функционал гуруҳини ўз ичига олган бирикмалар
36	2922	Кислородли функционал гуруҳни ўз ичига олган аминокислоталар
37	2925	Таркибида карбоксимид функционал гуруҳи бўлган бирикмалар (шу жумладан, сахарин ва унинг тузлари) ва имин функционал гуруҳи бўлган бирикмалар
38	2926	Нитрил функционал гуруҳини ўз ичига олган бирикмалар
39	2929	Бошқа азотли функционал гуруҳларни ўз ичига олган бирикмалар
40	2930	Органосулфур бирикмалари
41	2931	Бошқа органик-ноорганик бирикмалар
42	2934	Нуклеин кислоталар ва уларнинг тузлари, аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга, бошқа хетероциклик бирикмалар
43	2942	Ферментлар ва бошқа органик бирикмалар.
44	3102	Минерал ёки кимёвий, азотли ўғитлар
45	3104	Минерал ёки кимёвий, калийли ўғитлар
46	3105	Икки ёки учта озукавий моддаларни ўз ичига олган минерал ёки кимёвий ўғитлар, азот, фосфор ва калий, бошқа ўғитлар, таблеткаларда ёки шунга ўхшаш шаклларда ёки ялпи оғирлиги 10 кг дан ошмайдиган ўрамлардаги товарлар
47	3203	Ўсимлик ёки ҳайвонлардан олинган ранг берувчи моддалар
48	3204	Кимёвий аниқланган ёки аниқланмаган синтетик органик ранг берувчилар, синтетик органик ранг берувчи моддаларга асосланган препаратлар, кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган, оптик оқартирувчи ёки фосфор сифатида ишлатиладиган синтетик органик маҳсулотлар

49	3206	Бошқа ранг берувчи моддалар, 3203, 3204 ёки 3205 товар позицияларидаги препаратлардан ташқари, ушбу бобнинг 3-изохида кўрсатилган препаратлар, фосфор сифатида ишлатиладиган ноорганик маҳсулотлар, кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган моддалар
50	3208	Сувсиз муҳитда дисперсланган ёки эриган синтетик полимерлар ёки кимёвий жиҳатдан ўзгартирилган табиий полимерлар асосидаги бўёқ ва лаклар (шу жумладан, эмал ва лаклар)
51	3209	Синтетик полимерлар ёки кимёвий модификацияланган табиий полимерлар асосидаги, дисперсланган ёки сувли муҳитда эриган бўёқ ва лаклар (шу жумладан, эмал ва лаклар)
52	3210	Бошқа бўёқлар ва лаклар (шу жумладан, эмаллар, лаклар ва ёпиштирувчи бўёқлар), тери пардозлаш учун тайёрланган сувли пигментлар
53	3212	Бўёқлар (шу жумладан, эмал) ишлаб чиқаришда ишлатиладиган сувсиз муҳитда, суюқ ёки пасталарда тарқалган пигментлар (шу жумладан, металл кукунлари ва парчалари), бўрттирма фолга, чакана савдо учун қолипларга ёки қадокларга солинган бўёқлар ва бошқа ранг берувчи моддалар
54	3214	Ялтироқ ва боғдорчилик учун масунлар, катрон цементлар, ёпиштирувчи аралашмалар ва бошқа мастикалар, бўяш ишлари учун мастикалар, жабҳалар, биоларнинг ички деворлари, поллар, шифтлар ёки шунга ўхшаш сиртларни тайёрлаш учун ўтга чидамли бўлмаган композициялар
55	3215	Чоп этиш учун сиёҳ, ёзиш ёки чизиш учун сиёҳ ва бошқа сиёҳлар, концентрацияланган ёки концентрацияланмаган, қаттиқ ёки қаттиқ бўлмаган сиёҳлар
56	3301	Эфир мойлари (таркибида терпенлар бўладими ёки йўқми), ўзига хос хусусиятлар ва мутлақлар, резиниодлар, қазиб олинган эфир мойлари, энфлеураж ёки масерация йўли билан олинган ёғлар, фиксацияланган ёғлар, мумлар ёки шунга ўхшаш маҳсулотлардаги эфир мойлари концентратлари, эфир мойларини детерпенация қилишнинг терпен қўшимча маҳсулотлари, сувли дистиллатлар ва эфир мойларининг сувли эритмалари
57	3302	Саноат хомашёси сифатида ишлатиладиган бир ёки бир нечта шундай моддалар асосидаги ҳидли моддалар ва аралашмалар (шу жумладан, алкоғолли эритмалар) аралашмалари, ичимликлар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ароматик моддаларга асосланган бошқа препаратлар
58	3303	Ҳожатхона атири
59	3304	Косметик ёки бўяниш ва терини парвариш қилиш маҳсулотлари (доривор маҳсулотлардан ташқари), шу жумладан, қуёшга қарши ёки бронзлаш воситалари, маникюр ёки педикюр маҳсулотлари
60	3305	Соч учун маҳсулотлар
61	3306	Оғиз бўшлиғи ёки тишларнинг гигиенаси учун воситалар, шу жумладан, протезлар учун маҳкамлаш кукунлари ва пасталари, тишлараро бўшлиқларни тозалаш учун ишлатиладиган ип (тиш ипи), чакана савдо учун алоҳида қадокланган
62	3402	Юзаки фаол органик моддалар (совундан ташқари), юзаки фаол препаратлар, ювиш воситалари (шу жумладан, ювиш воситаларига ёрдамчи моддалар) ва совун бўлган ёки бўлмаган тозалаш воситалари (3401 товар позициясидан ташқари)
63	3403	Ёғ мойлаш материаллари (шу жумладан, кесиш суюқликлари, мурват ёки гайкани бўшатиш воситалари, зангни тозалаш ёки коррозияга қарши воситалар ва мойлаш материалларига асосланган қолипни йўқотиш воситалари) ва тўқимачилик материаллари, тери, мўйна ёки бошқа материаллар, асосий таркибий қисмлардан ташқари 70 битумли жинслардан олинадиган нефть ёки нефть маҳсулотларининг массаси % ёки ундан ортқ
64	3404	Мумлар, сунъий ва тайёрланган мумлар
65	3507	Ферментлар, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган фермент препаратлари

66	3701	Қоғоз, картон ёки тўқимачилиқдан ташқари ҳар қандай материаллардан ясалган текис, сезгирланган, экспозициясиз фотосуратлар ва плёнкалар, бир зумда суратга олиш учун текис плёнкалар, сезгирлаштирилган, экспозициясиз, қадоқланган ёки қадоқланмаган
67	3707	Фотокиёмвий моддалар (лаклар, элимлар, ёпиштирувчи моддалар ва шунга ўхшаш препаратлардан ташқари), ўлчанган дозаларда тақдим этилган ёки фойдаланишга тайёр шаклда чакана савдога қўйилган фотографик мақсадлар учун аралаштирилмаган маҳсулотлар
68	3806	канифол ва смола кислоталари ва уларнинг ҳосилалари, канифол спирти ва канифол мойлари, эритилган қатронлар
69	3808	Инсектицидлар, родентицидлар, фунгицидлар, гербицидлар, униб чиқишга қарши воситалар ва ўсимликларнинг ўсиш учун шакллар ёки қадоқларга солинган ёки препаратлар ёки буюмлар (масалан, олтингугурт билан ишланган ленталар, таёқлар)
70	3811	Нефть маҳсулотлари (шу жумладан, бензин) ёки нефть маҳсулотлари билан бир хил мақсадларда ишлатиладиган бошқа суюқликлар учун тақиллатишга қарши воситалар, антиоксидантлар, гум ингибиторлари, куюқлаштирувчи моддалар, коррозияга қарши воситалар ва бошқа тайёрланган қўшимчалар
71	3812	Тайёрланган каучук вулканизация тезлаткичлари, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган резина ёки пластмасса учун аралаш пластификаторлар, каучук ёки пластмасса учун антиоксидантлар ва бошқа бирикма стабилизаторлари
72	3815	Реакция қўзғатувчилари, реакция тезлаткичлари ва катализаторлари, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган
73	3817	Аралаш алкилбензоллар ва аралаш алкилнафталинлар, бошқа бўлмаган.
74	3818	Диск шаклидаги кимёвий қўшимча элементлар ва электроникада ишлатиладиган кимёвий қўшимчалар
75	3821	Моделлаштириш пасталари, стоматологияда ишлатиладиган тиш муми ва бошқа гипс асосидаги материаллар, ёнғинга қарши воситалар учун композициялар ва тўловлар, микроорганизмларни ўстириш учун тайёр озуқа муҳити, мураккаб диагностика ёки лаборатория реагентлари
76	3822	Моделлаштириш пасталари, стоматологияда ишлатиладиган тиш муми ва бошқа гипс асосидаги материаллар, ёнғинга қарши воситалар учун композициялар ва тўловлар, микроорганизмларни ўстириш учун тайёр озуқа муҳити, мураккаб диагностика ёки лаборатория реагентлари
77	3823	Саноат монокарбосилик ёғи кислоталари, қайта ишлашдан кейин кислотали ёғлар, саноат ёғли спиртлари
78	3824	Қалплар ёки қуйиш ядроларини ишлаб чиқариш учун тайёр боғловчилар, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган кимё, кимё ёки унга алоқадор саноат маҳсулотлари ва препаратлари (шу жумладан, табиий маҳсулотлар аралашмаларидан ташкил топган препаратлар)
79	3901	Бирламчи шаклдаги этилен полимерлари
80	3902	Пропилен ёки бошқа олефинларнинг бирламчи шаклдаги полимерлари
81	3903	Бирламчи шакллардаги стирол полимерлари
82	3904	Бирламчи шаклларда винилхлорид ёки бошқа галогенланган олефинларнинг полимерлари
83	3905	Бирламчи шаклларда винил асетат ёки бошқа винил эстерларнинг полимерлари, бирламчи шаклдаги бошқа винил полимерлар
84	3906	Бирламчи шаклларда акрил полимерлар
85	3907	Полиасеталлар, бошқа полиетерлар ва бирламчи шаклдаги эпокси қатронлар, поликарбонатлар, алкид смолалари, полиалил эфирлар ва бирламчи шаклдаги бошқа полиестерлар
86	3908	Бирламчи шакллардаги полиамидлар
87	3909	Амино-алдегид қатронлар, фенолик қатронлар ва бирламчи шаклдаги полиуретанлар

88	3910	Бирламчи шаклларда силиконлар
89	3911	Нефть смолалари, кумарон-инден смолалари, политерпенлар, полисульфидлар, полисульфонлар ва бошқа маҳсулотлар
90	3912	Селлюлоза ва унинг кимёвий ҳосилалари
91	3913	Табиий полимерлар (масалан, алгин кислотаси) ва ўзгартирилган табиий полимерлар (масалан, қотиб қолган оксиллар, табиий каучукнинг кимёвий ҳосилалари), бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган бирламчи шаклларда
92	4002	Синтетик каучук ва мойлардан бирламчи шаклларда ёки пластинкалар, чойшаблар ёки чизиклар ёки чизиклар шаклида олинган фактлар, 4001-позициядаги ҳар қандай маҳсулотнинг бирламчи шаклларда ёки пластинкалар, чойшаблар ёки чизиклар ёки чизиклар кўринишидаги ҳар қандай маҳсулот билан аралашмалари
93	5402	Чакана савдога қўйилмаган синтетик кўп филаментли иплар (тикув ипларидан ташқари), шу жумладан, чизикли зичлиги 67 дтекс дан кам бўлган синтетик монофиламентли иплар
94	5501	Синтетик иплар тўплами
95	5503	Кардаланмаган, тарокланмаган ёки йигириш учун бошқа усулда тайёрланмаган синтетик толалар
96	2932	Фақат кислородли гетероатом(лар)ни ўз ичига олган гетеросиклик бирикмалар
97	3824	Калиплар ёки қуйиш ядроларини ишлаб чиқариш учун тайёр боғловчилар, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган кимё, кимё ёки унга алоқадор саноат маҳсулотлари ва препаратлари (шу жумладан, табиий маҳсулотлар аралашмаларидан ташкил топган препаратлар)
Инновацион технологиялар соҳаси маҳсулотлари		
Нефть-кимё оралиқ маҳсулотлари ва қўшимчалари		
98		Функционал полиоллар
99		Функционал полиаминлар
100		Функционал ва инновацион (УБ (электрон нур) жараёнига мос келадиган ультрабинафша нурланиши мумкин, эпоксид ва бошқалар) қатронлар
101		ТПЕ (Термопластик эластомер) ва ТПВ (Термопластик вулканизат) хомашёси
102		Функционал ва инновацион пластик қўшимчалар (оловга чидамли, механик мустаҳкамловчи ва бошқалар)
103		Пропилен бирикмалари
104		Эгилувчан крекэр технологияси
105		Биоасосли кимёвий маҳсулотлар
Радарни ютувчи сиртлар (Радар абсорбинг сурфасес)		
106		Шаффоф ёки оптик шаффоф радар ютувчи юзалар
107		Композит юк кўтарувчи юзалар ва материаллар
108		Қопланган оптик ўтказувчан юзалар, масалан, радар кўриниши паст каноплар ва бошқалар.
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш		
109	2923	Тўртламчи аммоний асосининг тузлари ва гидроксидлари, леситинлар ва бошқа фосфоаминолипидлар, кимёвий жиҳатдан аниқланган ёки аниқланмаган
110	2924	Карбоксамид функционал гуруҳини ўз ичига олган бирикмалар, амид функционал гуруҳини ўз ичига олган карбонат кислота бирикмалари
111	2933	Фақат азотли гетероатом(лар)ни ўз ичига олган гетеросиклик бирикмалар
112	2935	Сульфаниламидлар

113	2936	Провитаминлар ва витаминлар, табиий ёки синтез қилинган
114	2937	Гормонлар, простагландинлар, тромбоксанлар ва лейкотриенлар, табиий ёки синтез қилинган, уларнинг ҳосилалари ва структуравий аналоглари, шу жумладан, асосан гормонлар сифатида ишлатиладиган занжири модификацияланган полипептидлар
115	2938	Табиий ёки синтезланган гликозидлар, уларнинг тузлари, эфирлари ва бошқа ҳосилалари
116	2939	Табиий ёки синтезланган алкалоидлар, уларнинг тузлари, эфирлари ва бошқа ҳосилалари
117	2941	Антибиотиклар
118	3001	Органотерапия учун мўлжалланган безлар ва бошқа органлар қуритилган, майдаланган ёки майдаланмаган, шу жумладан, кукун ҳолида, органотерапия учун мўлжалланган безлар ёки бошқа органларнинг экстрактлари ёки уларнинг секрециялари, гепарин ва унинг тузлари, терапевтик ёки профилактик мақсадларда фойдаланиш учун тайёрланган, бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган, инсон ёки ҳайвонлардан келиб чиққан бошқа моддалар
119	3002	Инсон қони, терапевтик, профилактика ёки диагностика мақсадида тайёрланган ҳайвонлар қони, иммун зардоблари, қоннинг бошқа фракциялари ва иммунологик маҳсулотлар, модификацияланган ёки ўзгартирилмаган, шу жумладан, биотехнология йўли билан олинган, вакциналар, токсинлар, микроорганизмлар маданияти (хамиртурушлардан ташқари) ва шунга ўхшаш маҳсулотлар
120	3003	Терапевтик ёки профилактик мақсадларда икки ёки ундан ортиқ компонентлар аралашмасидан ташкил топган, лекин бирлик дозалаш шаклларида ёки чакана савдо учун қолипларга ёки қадокларга солинмаган дори воситалари (3002, 3005 ёки 3006 товар позицияларидан ташқари)
121	3004	Терапевтик ёки профилактик мақсадларда, бирлик дозалаш шаклларида (шу жумладан, трансдермал тизимлар кўринишидаги дори воситалари) ёки чакана савдо учун шакллар ёки қадокларда қўйилган аралаш ёки аралаш бўлмаган маҳсулотлардан ташкил топган дори воситалари (3002, 3005 ёки 3006 товар позицияларидан ташқари)
122	3005	Тиббиётда, жарроҳликда, стоматологияда ёки ветеринарияда фойдаланиш учун мўлжалланган, фармацевтик моддалар билан сингдирилган ёки қопланган ёки чакана савдо учун шакллар ёки қадокларга солинган ваткалар, докалар, бинтлар ва шунга ўхшаш буюмлар (масалан, боғламлар, ёпиштирувчи пластерлар, паррандалар)
Инновацион технологиялар соҳаси маҳсулотлари		
Қон ва қон маҳсулотлари		
123		Рекомбинант ва шунга ўхшаш технологиялар билан гематопоестик гормон/фактор, плазма ва қон маҳсулотларини ишлаб чиқариш
124		Турли хил коагуляцион омиллар (албумин, иммуноглобулин ва фибрин елимлари ва бошқалар)
125		Универсал қон маҳсулотлари ва сунъий қон
Саратон ва отоиммун касалликлар учун дори воситаларини етказиб бериш тизимлари		
126		Молекуляр биология ва мақсадли биоагентларни (масалан, биологик препаратлар, тегишли маркерларни аниқлаш, диагностика ёки даволаш учун антикорлар, биомолекулаларни ишлаб чиқариш ва идентификация қилиш) лойиҳалаш ва улардан фойдаланишда молекуляр биология ва бошқа фанларни ҳамкорликда ўрганиш.
Биотехнологик дори воситаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш		
127		ГМПга мувофиқ янги биотехнологик препаратларни (биотехнологик усуллар билан ишлаб чиқилган асл терапевтик оксиллар/дорилар) ишлаб чиқиш.

128		ГМП) мувофиқ ДНК ва биосимилар препаратларни (асл биологик, физик, кимёвий ва иммунологик хусусиятларга эга биосимилар) ишлаб чиқиш.
Янги ва биологик ўхшаш дори воситаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хужайра линиялари, маданий муҳитлар ва қўшимчалар		
129		Халқаро қоидаларга мувофиқ биосимилар дори воситаларини синовдан ўтказиш учун таҳлил усуллари ишлаб чиқиш
Бошқа фармацевтика технологиялари		
130		Дори ишлаб чиқаришда зарур бўлган хужайра линияси, хомашё, фаол фармацевтик таркибий қисм (АПИ) ва фаол моддаларни ишлаб чиқариш
131		Инновацион/қўшилган қийматли генерик дори воситаларини ишлаб чиқиш, дори-дармонларни қайта жойлаштириш бўйича тадқиқотлар, биринчи умумий дори сифатида лицензияланиши мумкин бўлган генерик дориларни ишлаб чиқиш (антинеопластика ва иммуномодуляторлар ва бошқалар)
132		Липосомалар, нанотехнологияга асосланган маҳсулотлар каби биологик бўлмаган мураккаб дори воситаларининг аналогларини ишлаб чиқиш
133		Кам учрайдиган касалликларни даволашда қўлланиладиган дорилар
“Personalized medicine”(диагностика ва мониторинг) технологиялари		
134		Omic Technologies: Genomika, Proteomika, Metabolomika усулларида фойдаланган ҳолда “Personalized medicine” дастурлари
135		Илдиз хужайралари ва “Personalized” мобил терапияси
136		“Personalized medicine” дастурлари учун инновацион технологиялар (кейинги авлод секвенцияси, кейинги авлод НГС ва бошқалар)
Вакцина ва иммунологик маҳсулотлар		
137		Вирусли касалликларга қарши ҳимоя ва ишончли вакциналарни ишлаб чиқиш
138		Бактериал патогенлар ва паразитларга қарши вакцина ва иммунологик маҳсулот
139		Синтетик биология усуллари ёрдамида ишлаб чиқилган вакцина маҳсулотлари
Регенератив тиббиёт ва сунъий тўқималар/органлар технологиялари		
140		Инсон тўқималари ва органларини қайта тиклаш технологиялари, тўқима чиплари
141		Тўлиқ тўқималар ёки органларни даволаш учун мақсадли биоматериални хужайра ва хужайра компонентларидан самарали/стандарт ажратиш усуллари ва хужайрадан ташқари матрица (ЕСМ), қайта ишлаш технологияси билан ЕСМ тузилмалари
142		Хужайрасиз (децеллюляризация) юқори биоактив ва регенератив тўқималар ва органлар платформалари
143		Юрак-қон томир касалликлари учун регенератив биоматериаллар
144		Терига қўллаш учун биоматериаллар
145		Синтетик биология усуллари ёрдамида ишлаб чиқилган биоматериаллар
146		Регенерацияни самарали таъминлаш учун ремедиация қобиляти даражасига эга биоматериаллар
Тиббиёт ва стоматология асбоблари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш		
147	9001	Оптик толалар ва оптик толали тўпламлар, оптик толали кабеллар, 8544-позициядагидан ташқари, поляризация материалнинг чойшаблари ва плиталари, линзалар (шу жумладан, контакт линзалари), призмалар, нометаллар ва бошқа оптик элементлар, ҳар қандай материалдан, ўрнатилмаган, оптик жиҳатдан тугалланмаган шиша элементлардан ташқари
148	9004	Кўзойнақлар ва шунга ўхшаш оптик асбоблар, тузатувчи, ҳимоя қилувчи ёки бошқа

